

**ТАЪЛИМДА ОБЪЕКТ ВА СУБЪЕКТЛАР ОРАСИДАГИ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАОЛЛИК ДАРАЖАСИГА КЎРА  
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОД ШАКЛЛАРИ**

Kuchkarov Mexriddin Asamovich,

Teacher of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Asamova Namuna Mexriddin's daughter

Tashkent Medical Academyhis mother is a student

**Аннотация**

Мазкур мақола таълим тизимида қўлланиладиган методларнинг шакллари, интерфаол методларнинг афзалликлари ва мавжуд муаммолар ҳамда ёндашувларга бағишланади. Ўқув машғулотларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш ўқувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради ва фанга бўлган қизиқишларини ошириб, ижодий, танқидий, криатив фикрлаш кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** пассив методлар, фаол методлар, интерфаол методлар, криатив фикрлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, мустақил таълим.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг учта шакли маълум бўлиб, ҳозиргача таълим тизимида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Булар пассив (анъанавий), фаол ва интерфаол методларни ўз ичига олади.

Пассив методлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир шакли бўлиб, унга кўра ўқитувчи асосий фаолият юритувчи бўлиб, машғулотни олиб боради ва ўқувчилар пассив субъект, тингловчи сифатида иштирок этади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан алоқаси амалий машғулотларда сўровлар, назорат ишларини бажариш орқали амалга оширилади. Асосий мақсад имкон қадар кўпроқ ахборот беришдан иборат бўлади.

Таълим жараёнида қўлланиладиган ҳар қайси йўналишдаги методларнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Таълимда қўлланиладиган пассив методларнинг асосий афзаллиги ўқитувчи оддий тайёргарлик ва чекланган вақт оралиғида нисбатан катта ҳажмдаги ўқув материални тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Ўқитиш методларини



соддалаштиради, тайёргарликка, ҳамда ўқувчилар билимини назорат қилишга камроқ вақт сарфланади.

Пассив методларнинг камчилиги ўқитувчининг ўқувчиларга индивидуал ёндашув имкониятлари чекланган бўлиб, синфда кўпчиликни ташкил этувчи, ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга мўлжалланган материал ва топшириқлар билан фаолият олиб борилади. Дифференциал ёндашув бўлмаганлиги сабабли иқтидорли ўқувчилар ўртача ўзлаштирувчилар даражасига тушиб қолса, паст ўзлаштирувчилар янада орқада қолиб кетади. Шу билан бирга бу методлар ўқувчиларнинг шахсий ривожланиш имкониятларини чеклаб қўяди.

Фаол методлар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир шакли бўлиб, улар дарс давомида бир-бири билан мулоқотда бўлади, яъни, ўқувчилар дарсинг фаол иштирокчиларига айланади. Ҳозирги вақтда ушбу усул семинар ва лаборатория машғулотида кенг қўлланилиб келинади. Объект ва субъект орасидаги фаол алоқа натижасида ўқитувчининг ўқувчилар ўзлаштириш даражаларини аниқлаб олиш ва дифференциал ёндашиш имкониятини кенгайтиради. Натижада, иқтидорли ўқувчилар ўз билим даражасида топшириқлар олиши ҳисобига ривожланишда давом этади, машғулотида зерикиб қолмайди. Паст ўзлаштирувчилар алоҳида ёндашув, эътибор ҳисобига ўртача ўзлаштирувчилар даражасига етиб олишга интилади, орадаги фарқни қисқартиради. Ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларда ҳам иқтидорлилар сафига етиб олиш имконияти ортади.

Фаол методларнинг камчилиги ўқувчиларга индивидуал ёндашув учун ўқитувчидан жуда кўп куч ва вақт талаб этади. Кўп сонли синфлар билан ишлашда қийинчиликлар туғдиради. Ўқувчиларда ўқитувчи яратган имконият даражасидагина ривожланиш имконияти мавжуд бўлади.

Интерфаол методларга ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро таъсирига асосланган методлар киради. Интерфаол методларнинг юқоридаги икки методлар гуруҳидан фарқи субъект-субъект алоқаларнинг ҳам мавжудлигидир. Шу билан бирга фаол муносабатлар нафақат ўқитувчи- ўқувчи йўналишига қаратилади, балки ўқувчи-ўқитувчи йўналишида ҳам фаол алоқа ўрнатилади. Таълим оловчилар режалаштирилган, ташкиллаштирилган ўқув ҳамда баҳолаш жараёнида максимал иштирок этади. Ўқитувчи фақат ахборот манбаи эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил фаолиятида бошқарувчи, ташкилотчи, мувофиқлаштирувчи каби вазифаларни ҳам бажаради. Бу жараёни ташкил



этиш, турли мураккаблик даражасида, турлича йўналишдаги ўқув материаллари инфор­мацион-коммуникацион технологиялар, электрон таълим ресурслари, интернет манбалари каби таълим воситаларидан фойдаланишга асосланган услубий йўриқномалар тайёрлаш билан боғлиқ катта меҳнат талаб этади.

Интерфаол таълим моделининг асосий устунлиги таълим олувчиларнинг замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда ўз шахсини ривожлантириш, мустақил фаолият юритиш, мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ. Камчилиги эса ўқувчиларнинг юқори фаоллиги ва мустақил фаолияти туфайли ўқув жараёнини бошқариш мураккаблиги, турли манбалар ва усуллардан фойдаланишни талаб этилиши ҳисобланади (ақлий ҳужум (brainstorm), баҳс, дебат, вазият таҳлили (case-study), муаммоли вазият, образли ўйинлар, мастер-класс, лойиҳа методи).

Ўқувчиларнинг юқори фаоллигини талаб этувчи амалий методларлик етакчилик қиладиган табиий фанларни, жумладан кимё фанини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Фаол ва интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш ўқувчиларни ўқитиш сифатини оширишнинг энг самарали усуллари эканлиги кўплаб тадқиқот натижаларида ўз тасдиғини топган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Kuchkarov M. A. POSSIBILITIES OF USING A CHEMICAL EXPERIMENT ON THE FORMATION OF STUDENTS' CRITICAL THINKING COMPETENCIES //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 04. – С. 108-112.
2. Sharipovna N. M., Asamovish K. M. TEACHING THE SECTION OF OXYGEN-CONTAINING ORGANIC COMPOUNDS ON THE BASIS OF MODULE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2022. – Т. 2. – №. 1.5 Pedagogical sciences.
3. Bakhromovna D. G., Asamovish K. M. The Needs of Interdisciplinary Integration in the Educational System //Eurasian Scientific Herald. – 2022. – Т. 10. – С. 41-44.



4. Asamovich K. M. et al. POSSIBILITIES OF WIDE USE OF PRACTICAL METHODS OF TEACHING CHEMISTRY FOR ORGANIZING QUALITY EDUCATION //Conferencea. – 2022. – С. 140-143.
5. Asamovich K. M. et al. POSSIBILITIES OF WIDE USE OF PRACTICAL METHODS IN CHEMISTRY EDUCATION //Conferencea. – 2022. – С. 136-139.
6. Кучкаров М. А. КИМЁВИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ-ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАНҚИДИЙ-ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА //Proceedings of International Educators Conference. – 2022. – Т. 3. – С. 313-317.
7. Кучкаров М. А. Об использовании электронной таблицы в химических вычислениях //Химия в школе. – 2011. – №. 4. – С. 53-54.
8. Кучкаров М. А. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЕСТЕСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В ХИМИЧЕСКОМ ЭКСПЕРИМЕНТЕ //Педагогические науки. – 2010. – №. 4. – С. 27-28
9. Кучкаров М. А., Холикова Д. Д., Хайдарова Д. Б. КОМПЬЮТЕРНАЯ ИГРА" СБОРКА ПРИБОРОВ ДЛЯ ХИМИЧЕСКОГО ЭКСПЕРИМЕНТА" //Вопросы гуманитарных наук. – 2011. – №. 3. – С. 98-99.
10. Кучкаров М. А., Махкамов М. Ё. РОЛЬ КОМПЬЮТЕРНЫХ ИГР ВО ВРЕМЯ ОЗНАКОМЛЕНИЯ С ХИМИЧЕСКОЙ ПОСУДОЙ И ПРИБОРАМИ //Вопросы гуманитарных наук. – 2011. – №. 3. – С. 96-97.

